

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 19-yanvar, payshanba

№ 3 (9219)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН – СИНГАПУР:

Кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги уфқлари

17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи доирасида олий даражадаги тadbирлар – ушбу мамлакат Президенти Ҳалима Якуб ва Бош вазири Ли Сянь Лун билан музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон – Сингапур саммитидан аввал Сингапур Президентининг "Истана" саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Сарой олдидagi майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ҳарбий оркестр икки давлат мадҳияларини ижро этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сингапур Президенти Ҳалима Якуб фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Сўн Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига Сингапурнинг миллий рамзи бўлган орхидея гулининг янги навига ном бериш маросими бўлиб ўтди. Бундай тadbирлар анъанавий равишда ушбу мамлакатнинг олий мартабали меҳмонлари, таникли арбобларга юксак ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида ўтказилади.

Анъанага кўра, Президент Шавкат Мирзиёев гулнинг ёнига янги турдаги орхидеянинг номи – "Шавкат Мирзиёев орхидеяси" деб ёзилган тахтачани жойлаштирди.

Ушбу кўркам ва ёйлиб ўсувчи гул Encbi Purple ва Kila Blue орхидеяларининг гибриди ҳисобланади. Узунлиги 45 сантиметр бўлган қат-қат япроқли кўшгуллар, уларнинг ҳар бирида 17 тадан 20 тагача гул ҳосил қилади, ҳар бир гулнинг эни 5 сантиметр атрофида. Оч сийёҳранг барглари ва косачабаргларининг чети майин бинафшаранг.

Шундан сўн Президентлар икки томонлама учрашув ўтказдилар.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш истиқболлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш борасидаги ислохотлар юзасидан фикр алмашилди.

Таълим соҳасида фаол ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди. Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда Сингапур технологиялар, менежмент ва коммуникациялар академияси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Икки мамлакатнинг Марказий ва Жануби-Шарқий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ва интеграцияни кенгайтириш борасидаги тажрибаси батафсил кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Сингапур халқаро майдонларда мин-

тақавий барқарорлик ва илчил тараққиёт масалаларида бир-бирини англаши ва бу борадаги ташаббусларни илгари суришда ўзаро кўмаклашаётгани қайд этилди.

Учрашув якунида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Шавкат Мирзиёев Ҳалима Якубни ўзига қўлай бўлган вақтда мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Сўн "Истана" қароргоҳида Президентимиз Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун билан музокара ўтказди.

Етакчилар ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболларини ҳар томонлама кўриб чиқдилар, устувор йўналишлардаги алоқалар жадал сурат билан ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

Жумладан, савдо-иқтисодий соҳада сезиларли натижаларга эришилди. Кейинги йилларда товар айирбошлаш икки баробарга ошди. Ўзбекистонда Сингапур капитални иштирокидаги корхоналар сони 4 карра кўпайди. Ушбу мамлакатдан юртимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 700 миллион долларга етган.

Кўплаб соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта захиралар мавжудлиги қайд этилди.

Сингапур – Осиё-Тинч океани минтақасининг иқтисодий маркази. Кўп йиллардан буён ушбу мамлакатда, ҳар бир гулнинг эни 5 сантиметр атрофида. Оч сийёҳранг барглари ва косачабаргларининг чети майин бинафшаранг.

Шуларни ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари Сингапур билан яқин истиқболдаги ҳамкорликнинг олти асосий йўналишини кўрсатиб ўтди.

Биринчиси – инсон капитални ривожлантириш ва давлат бошқаруви учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш. Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби иштирокида бошқарув, шаҳарсозлик, инфратузилмани ривожлантириш, рақамли трансформация, инновациялар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида биргаликда давлат хизматчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурини амалга оширишга келишиб олинди.

(Давоми 2-саҳифада)

Мустақиллик имкониятлари

"Тўпаланг"нинг ЗИЛОЛ СУВИ

Аввало газетхонларга "Тўпаланг" дарёси хусусида қисқача маълумот бериб ўтасан. Бу дарё Сурхондарё дарёсининг ўнг irmoғи саналади. Дарёнинг узунлиги 124 километр. Ҳавзаси 5217 квадрат километр, сув йиғадиган майдони 2200 квадрат километр.

"Тўпаланг" дарёси Ҳисор тоғларининг денгиз сатҳидан 3800 метр баландликда жойлашган Ҳазрати Султон массивидаги қор ва музликлардан бошланади. У қор (умумий сувнинг 65 фоизи), ёмғир (3 фоизи), муз (6 фоизи) ва ерости (26 фоизи) сувларидан тўйинади. "Тўпаланг" ўз оқими бўйлаб ўнларча дарёчалар, сой сувлари, булоқлар ҳисобига сув ҳажмини ошириб боради. Дарёнинг тоғли зонасидаги воҳаси тор, кўз илғамас даражада кичик.

"Зарчоб" қишлоғидан бошланувчи кайири яққол кўзга ташланади ва унинг воҳаси 150-200 метр, текисликка – Саросиё қишлоғига етганида 2 километргача боради. Дарёнинг сув сарфи унинг тўйиниш характерида қараб ўзгаради. "Тўпаланг"нинг суви эрта баҳордан то ёзгача кўпайди, кейин секин-аста камая бошлайди. Январ ойида дарёнинг суви секундига 11,5 метр кубни ташкил этса, июн ойида, яъни дарё тошган даврида суви секундига 144 метр кубга етади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи секундига 52,5 метр кубга тенг.

Серсув ва тез оқар дарё бежизга "Тўпаланг" дейилмаган. Баъзилар уни бебош ва саркаш дарё ҳам деб атайдилар. Чунки баланд тоғлардан бошланиши унинг тор даралардан катта тезлик ва шиддат билан оқиб-тиши таъминлайди.

Утган асрнинг саксонинчи йил-



Президент топшириғи амалда

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР

Дунёда иқтисодиётнинг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланилади. Юртимизда ҳам энергия тежамкорлигини ошириш, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Мутахасссларнинг таъкидлашича, кўёш иссиқлик энергиясидан фойдаланиш табиий газни ишлатишни 60 фоизгача камайтираётган экан.

Юртимизда ҳўқм сурган бир ҳафталик аномал совуқ об-ҳаво энергетика тизимида ҳали-ҳануз муаммолар борлигини, айниқса, аҳолини электр энергияси билан таъминлашда етишмовчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Бу муқобил энергия манбаларидан унумли фойдаланиш, худудларда кўёш ва шамол ёрдамида кўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини куришни янада тезлаштириш лозимлигини билдиради.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 25 ноябрь куни Навоий вилоятига ташрифи доирасида вилоятни республиканинг намунавий худудига айлантириш бўйича янги ташаббусларни илгари суриб, вилоят электр энергиясини тежаш бўйича намуна бўлишини таъкидлаган эди. Бунинг учун вилоятдаги барча ташкилотларга 100 фоиз кўёш панеллари ўрнатилди.

(Давоми 4-саҳифада)

Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари мазмун-моҳиятига БИР НАЗАР

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли маъмурий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижро этувчи ҳокимият органлари вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар ҳуқуқий мақомининг айрим ҳолатларда аниқ чегаралаб қўйилмаганлиги уларнинг давлат аппаратидаги аниқ ўрни ва ролини аниқлаш имконини бермаяпти. Хусусан, Президентимизнинг ўтган йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтишнинг

таклиф қилиниши, ҳозирги кунда давлат аппаратида тақдорланиш кўп, керакисиз штатлар борлиги, марказлашув юқори эканлиги, оқибатда бўлгани мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфланалиги уларнинг давлат аппаратидаги аниқ ўрни ва ролини аниқлаш имконини бермаяпти. Хусусан, Президентимизнинг ўтган йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтишнинг

(Давоми 2-саҳифада)

Ислохотлар амалда!

Ер эгасининг қўлида бўлса, ЯНАДА БАРАКА БЕРАДИ



Бугунги бозору дўконларимиздаги тўқинликда қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг ўрни катта. Бинобарин, уларнинг фидойий меҳнати туфайли мана шундай неъматлардан баҳраманд бўлаемиз. Шу маънода, айтиш мумкинки, қишлоқ ҳўжалиги нафақат иқтисодиётимизнинг таянч соҳаларидан бири, балки фаровон ҳаётимиз кафолати ҳамдир.

Ислохот қозғоғида қолиб кетмасанига ислохотдир. Эътиборга молик жиҳати, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ислоқ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, аллақачон, ўз самарасини кўрсатиб бўлган. Бунга мисоллар жуда кўп. Жумладан, биргина ўтган йилда деҳқон ҳўжалиқларини ривожлантириш мақсадида пахта ва галла майдонларини қисқартириш эвазига бушаган 100 минг гектар ер очик электрон аукцион орқали аҳолига

тарқатилди. Бунинг ҳисобига 420 мингдан ортиқ янги ҳўжалик ташкил этилиб, 1 миллион 200 мингдан зиёд доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган ҳозирги даврда бу жуда муҳим жараёндир. Ер ўз эгаси қўлидагина янада баракали бўлади. Деҳқон кўзлаган мақсадига эришади, оилага файз қиради, ҳаёт янада фаровонлашади.

(Давоми 2-саҳифада)

БОЛАЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида "Болалар масалалари бўйича комиссиялар ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

– Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, бир гуруҳ депутатларимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Турсуной Муродова. – Унга кўра, Президентимизнинг юқоридаги фармонида мувофиқ, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилди.

Бирок, амалдаги қонун ҳужжатларида "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар" тушунчаси ишлатиб келинмоқда. Бу эса янги ташкил этилган Болалар масалалари бўйича комиссиялар томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни қонунчилик асосида тўлиқ амалга оширишда ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Меҳнат, Оила кодекслари ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Давлат божи тўғрисида"ги қонунларидаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар" "Болалар масалалари бўйича комиссиялар" номига ўзгартириш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва улар фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мухтарама КОМИЛОВА, ЎЗА муҳбири.

Устав капитали 500 миллион доллар бўлган Ўзбекистон – Сингапур инвестиция компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди

ЎЗБЕКИСТОН – СИНГАПУР:

Кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги уфқлари

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, Ўзбекистон Давлат бошқаруви академияси негизда Сингапурнинг етакчи экспертларини жалб қилган ҳолда давлат хизматчиларини интенсив қайта тайёрлаш дастури ишга туширилади.

Иккинчи йўналиш Сингапурни Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларига жалб қилишга қаратилган. Шу маънода, музокараларда Сингапурнинг етакчи компаниялари илгор тажрибаси, замонавий технологиялари ва бошқарув усулларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистоннинг йирик корхоналарини хусусийлаштириш доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди. Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва таркибий ўзгартириш, кейинчалик уларни IPOга чиқариш ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш учун қўшма Инвестиция жамғармасини тузиш таклифи қилинди.

Учинчи устувор йўналиш сифатида илгор "яшил" технологиялар ва рақамли ечимларни жалб қилиш белгиланди. Сингапурнинг рақамлаштириш соҳасидаги ютуқларини жорий қилиш, шунингдек, ушбу мамлакатнинг "яшил" ривожланиш бўйича инновациялари ва технологияларини қўллаш имкониятлари муҳокама қилинди.

Тўртинчи – шаҳар инфратузилмаси ва коммуникацияларни такомиллаштириш. Шаҳарларни режалаштириш ва қурилиш, кўкаламзорлаштириш, коммунал хўжалик соҳаларида ҳамкорлик бўйича тадбирлар келишиб олинди. Ўзбекистонда инфратузилма ва тармоқ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма Лойиҳалаштириш ва инжиниринг марказини ташкил этиш бўйича келишув бу борадаги биринчи қадам бўлди.

Ҳамкорликнинг бешинчи йўналиши доирасида инвестициялар ва ўзаро савдон кенгайтириш, Сингапурнинг етакчи компаниялари билан қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Устав капитали 500 миллион доллар бўлган Ўзбекистон –

Сингапур инвестиция компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

Олтинчи йўналиш сифатида давлатимиз раҳбари жамоат хавфсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлигини асраш ва радикализмга қарши курашиш борасида тажриба алмашиш зарурлигини қайд этди.

Бундан ташқари, томонлар ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Очiq ва дўстона муҳитда ўтган учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Ли Сянь Лунни ўзига қўлай вақтда мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди.

Делегациялар раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида Ўзбекистон – Сингапур ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 8 та ҳужжат алмашилди.

Хусусан, таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, кадрлар, шу жумладан, давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битимлар қабул қилинди.

Шунингдек, савдо-иқтисодий шериклик ҳамда икки мамлакат прокуратуралари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича келишувларга эришилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасаларидан бири бўлган Сингапур миллий университети ҳузуридаги Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактабига ташриф бурди.

Сингапурнинг биринчи Бош вазири ва ушбу мамлакат "иқтисодий муъжизаси" муаллифи Ли Куан Ю шарафига номланган мактаб давлат сиёсати ва халқаро муносабатлар соҳасида магистратура дастурлари асосида кадрлар тайёрлашга, илмий ва сиёсий тадқиқотлар ўтказишга ихтисослашган.

Қатор йиллар давомида мактаб олий таълим муассасаларининг



халқаро рейтингларида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу ерда хорижий мамлакатларнинг юқори даражадаги мансабдор шахсларини ўқитиш учун қисқа муддатли дастурлар ҳам ташкил этилган.

Маълумки, Сингапур эришган иқтисодий ва ижтимоий муваффақиятларда чуқур ўйланган кадрлар сиёсати, малакали, масъулиятини ҳис этган ва ҳалол раҳбар кадрларни тайёрлашга устувор эътибор муҳим ўрин тутган. Мамлакатимиз етакчиси ҳам ўз фаолиятининг бошидананоқ ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келади. Шу маънода, Сингапурнинг давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва қўллаш катта аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари мактаб фаолияти билан батафсил танишиб, ўқув муассасаси раҳбарияти билан икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат бошқаруви академияси ва Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаш маросими бўлди.

Сўнг Президентимиз Сингапурнинг етакчи компания ва ташкилотлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда Сингапур меҳнат вазири – савдо ва саноат иккинчи вазири Ленг Си Танг, Сингапур бизнес федерацияси раиси Минг Ян Лим, ушбу мамлакатнинг Indogama, Meinhardt group, CPG Corporation,

Changi Airports, Сингапур менежмент ривожлантириш институти, TMC Academy, Virtus Health каби 15 та йирик компанияси раҳбарлари иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев учрашув иштирокчиларини қутлаб, унинг янги 2023 йилдаги илк ташрифий айнан Сингапурга бўлаётгани Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан мустақам ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга алоҳида эътибордан далолат эканини таъкидлади.

Юртимиздаги тизимли ислохотлар туфайли инвестициялар ҳажми ЯИМнинг 30 фоизидан ортиқ даражага етди. 2022 йилнинг ўзига Ўзбекистон иқтисодиётига 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди.

Куни кеча ўтган Ўзбекистон – Сингапур бизнес форумининг натижалари мамнуният билан қайд этилди: унинг доирасида умумий қиймати қарийб 5 миллиард долларлик янги инвестиция, савдо ва молиявий келишувлар имзоланди.

– Бу ҳамкорлигимиз анча фаоллашганидан, муваффақиятли кечаётганидан, Ўзбекистон – Сингапур муносабатлари амалий ва сифатли мазмун билан бойинганидан далолат беради, – деди Президентимиз.

Лекин шериклик салоҳияти ҳали тўлиқ ишга солинмаган. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатларимиз икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга қодир.

– Сингапур компанияларининг

илгор тажрибаси бизда катта қизиқиш уйғотмоқда, – деди давлатимиз раҳбари. – Ишончим комилки, сингапурлик ҳамкорларнинг инновация ва технологиялари Ўзбекистоннинг ресурслари ва кадрлар салоҳиятига қўшилса, бўлажак қўшма лойиҳалар барқарор ривожланиши.

Ўзбекистон етакчиси узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун энг истиқболли йўналишларни кўрсатиб ўтди. Сингапур компанияларининг Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларида иштироки, шаҳар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, кимё ва тўқимачилик, "яшил" иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидан.

Ўзбекистон Сингапур тадбиркорларини зарур ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш, имтиёзлар ва кафолатли харидлар шаклида кенг қўллаб-қувватлаш, бошқа кўмак чораларини тақдим этишга тайёр экани билдирилди.

Юртимиздаги ислохотлар хорижий ҳамкорлар орасида Ўзбекистоннинг ишончли ва барқарор шерик сифатидаги мавқеини мустақамлашга қаратилганини таъкидлаб, Президент Шавкат Мирзиёев сингапурлик ишбилармонларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун очилаётган имкониятлардан фойдаланиш ва иқтисодиётимизга фаол инвестиция киритишга қачирди.

Шериклики кенгайтириш юзасидан батафсил фикр алмашилди. Сингапур бизнеси вакиллари ўз чиқишларида Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни юксак баҳолади, мамлакатимизда амалга оширилиши режалаштирилган аниқ лойиҳаларни тақдимот қилди.

Ишбилармонлар делегациясининг ҳар бир аъзоси билан суҳбатлашиб, давлатимиз раҳбари тадбиркорларни яратилган қўлай инвестиция муҳити билан шахсан танишиш учун мамлакатимизга таклиф қилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон томони мутасаддиларига тадбирда айтилган барча лойиҳаларни, уларни амалга оширишнинг босқичма-босқич механизмларини, аниқ муддат ва ижрочиларини қиритган ҳолда тегишли Амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга самарали давлат ташрифий якунига етди.

Ў.А

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАРИ МАЗМУН-МОҲИЯТИГА БИР НАЗАР

(Боши 1-саҳифада)

Президентимизнинг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан, вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартириш бўйича таклифи маъқулланиши белгиланди. Давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди. Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш ҳисобидан бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 30 га яқин турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан 60 дан ортиқ ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди. "Электрон ҳукумат" тизимининг фойдаланувчилари сони 4 миллиондан ошди, 9 орқали давлат идораларининг 130 дан ортиқ ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Илгор хорижий тажрибалар асосида давлат бошқаруви идоралари фақат вазирлик, қўмита, агентлик ва инспекциядан иборат бўлади. Бунда, вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлиб, тармоққа кирувчи қўмита, агентлик ва инспекцияларга раҳбарлик қилади. Бу эса ўз навбатида, давлат органларининг бир-бирини такрорловчи функциясига барҳам беради. Шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил

21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 1 январидан республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари бир вақтнинг ўзига хўжалик бошқаруви органларининг раҳбари вазифасини бажариши таъкидланиши белгиланди. Бундан ташқари, мазкур қарорда белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан функциялар ягона реестрини электрон тарзда юритиш имконини берадиган "Давлат функциялари" автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими юритилиши ҳамда вазирлик тизимида идоравий буйруқ, қарор ва фармойишларни "E-qaror" электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилиши назарда тутилган.

Янги Ўзбекистон шароитида замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш қарор қабул қилиш, масалани кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш орқали давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш, шунингдек, Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастури ижросини таъминлаш учун дастуриалмаёл бўлади.

Жаҳонгир АБДУСАТТОРОВ,
Қўрай тумани адлия бўлими
етакчи маслаҳатчиси.



Тўлқин САТТАРОВ,
Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи директори.

Ер эгасининг қўлида бўлса, ЯНАДА БАРАКА БЕРАДИ

тадбиркорликнинг бошқа кўринишларини юзага чиқарувчи майдон сифатида намоён бўлмоқда. Яъни томорқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг муҳим омилга, қишлоқ аҳлининг ҳақиқий даромад манбаига айланиб бормоқда. Мисол учун, Яккабоғ тумани "Сандал" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Актам Аллаевни кўпчилик яхши узумчи-боғбон, деб билади. У 10 сотих томорқасидаги 300-400 туп тоқдан йилига уч тоннадан кўп ҳосил йиғиштириб олади. Шунингдек, 4 мингта ток кўчати етиштиради. Ихчам иссиқхонасидаги помидор ва бодрингдан 80 миллион сўм даромад кўради.

Мингбулок тумани "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Дилшодбек Неъматов эса 7 сотих ерда сабзавот етиштиришдан ташқари кўчатчилик билан ҳам шуғулланади. Шу билан бирга, 4 қути асалари, 50 бош парранда ва иссиқхона оилага яхшигина фойда келтиради. Одамларимиз ҳақиқий деҳқон. Уларга озгина шароит ва кўмак бўлса бас, уёғини ўзлари эплаб кетишади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида. Яъни уларга муносиб меҳнат ва ҳаёт кечиришлари учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш. Бунинг учун ҳуқуқий асослар мустақамлаб қўйилган. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 16 декабрдаги "Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу

борада алоҳида аҳамиятга эга. Чунки унда томорқачиликка доир илгари амалиётда қузатилмаган бир қанча вазифалар белгилаб берилди. Шулардан келиб чиқиб, жамғармамиз томонидан ўтган йили юридик ва жисмоний шахсларга жами 580,7 миллиард сўм миқдоридagi маблағлар кредит ҳамда улуш сифатида ажратиб берилди. Шундан 373,4 миллиард сўми 16 минг 725 нафар томорқа ер эгаларига имтиёзли кредит учун ресурс сифатида тижорат банкларига йўналтирилди. Бундан ташқари, 151 та "Томорқа хизмати" МЧЖга 115,6 миллиард сўм, 30

та фермер хўжалигига 18,4 миллиард сўм, 6 та қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативларига 2,3 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. 2022 йилда жамғарма 6 та "Томорқа хизмати" МЧЖ устав фондига жами 10,8 миллиард сўмлик улуш билан иштирокчи (таъсисчи) бўлиб қирди. Сўнгги икки йилда 68 та "Томорқа хизмати" МЧЖ фаолияти кластер усулида ташкил этилди. Айни пайтда улар 200 минг томорқачига маҳсулот етиштиришдан тортиб харид қилишга бўлган 12 турдаги хизмат кўрсатиб келмоқда. Натижада 2022 йилнинг



9 ойи давомида 9 миллион АҚШ доллари миқдорида томорқада етиштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди.

Ушбу кластер тизими орқали аҳоли хонадонлари билан самарали ишлаётган лойиҳалар тўғрисида тўхталадиган бўлсак, Қўрғонтепа туманидаги "Дардоқ томорқа хизмати" ҳамда Сароисё туманидаги "Сариосиё файзи томорқа хизмати" МЧЖлар фаолиятини мисол тариқасида келтириш мумкин. Хусусан, "Дардоқ томорқа хизмати" томонидан ўтган йилнинг баҳорида 40 мингдан ортиқ аҳоли хонадонларидан 15-20 кун давомида кунига 7-8 тоннадан гилос мақбул нархларда сотиб олинди, қайта ишлаш орқали хорижа сотилди. Шунингдек, йил давомида 200 дан ортиқ хонадонлардан кунига 4-5 тонна сут харид қилиниб, уни қайта ишлаш орқали ички бозорга 6 турдаги сут маҳсулотлари етказиб бериш йўлга қўйилган.

"Сариосиё файзи томорқа хизмати" томонидан эса томорқа ер эгаларига йилига 80 дан ортиқ ихчам иссиқхоналар қурилиб, 100 дан ортиқ хонадонга тухум ва гўшт йўналишида парранда етказиб берилаяпти. 120 дан ортиқ хонадонлар кўчат билан таъминланиб, аҳолидан йилига минг тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олинапти.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги қарори ижроси бўйича ўтган йил давомида артезиан қудуқлар қазिश учун 971 талабгорга жами 88,7 миллиард сўм субсидия тақдим этилди. Қисқа қилиб айтганда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар одамлар турмушидаги ўзгаришларда акс этмоқда. Ер том маънода даромад манбаига, ҳақиқий хазинага айланиб борапти. Бу кейинги йилларда республикада мазкур соҳада илгари қузатилмаган янгиликларга қўл уриляётгани, деҳқон фермерларга, тармоқ корхоналарига, томорқа эгаларига эркин ишлашлари учун қўлай имконият ва шарт-шароит яратилаётгани шарофатидир.

“Тўпаланг” дарёсининг юқори қисмида форел балиқларини ҳар қадамда учратиш мумкин

“ТўПАЛАНГ”НИНГ ЗИЛОЛ СУВИ



(Боши 1-саҳифада)
 Ниҳоят, 1982 йили дарё суви шиддатини сундириш ва бир жойда жамлаш мақсадида “Тўпаланг” сув омбори қурилишига киришилди. Сигими 500 миллион метр куб сув омборидаги оби-ҳаётдан шу пайтгача икки мақсадда, яъни айни ёз ойлари бошқа жойларда сув камайганда омбордан “Ҳазорбоб” ва “Оққапчиғай” каналларига сув очилиб, воҳанинг 100 минг гектардан зиёд экинзорларини суғориш ҳамда “Зарчоб-1”, “Зарчоб-2” гидроэлектростанцияларида энергия ҳосил қилиш учун фойдаланиб келинаётганди.

Айтиш кераки, “Тўпаланг” дарёсининг суви ниҳоятда тиниқ ва зилол, шу билан бирга ўта совуқ. Кафтингизга олиб ичсангиз тишларингиз зирқираб қолади. Дарёдан ариқ ва каналларга оқиб келаётган сувга саратоннинг айни жазирама иссиғида ҳам чўмилшига тушган киши беш дақиқадан ортқ бардош беролмай қирғоққа чиққиси келиб қолади.

Дунёда энг ноёб ҳисобланган гулмоҳи (форел) балиқлари жуда зақко. Ихтиологларнинг таърифи-ча, бу турдаги балиқлар лойқа ва илиқ сувли дарёларда яшай олмайди. Фақат ўта совуқ, тиниқ ва зилол сувларда кўяди. “Тўпаланг” дарёсининг юқори қисмида форел балиқларини ҳар қадамда учратиш мумкин. Бу эса дарё сувининг ниҳоятда зилол ва софлигидан далолат беради.

Республика “Гидропроект” акционерлик жамияти томонидан тайёрланган лойиҳанинг умумий қиймати 138 миллион АҚШ доллар. Асосий буюртмачи “Узсувтаъминот” акционерлик жамияти. Бош пудратчи “To'palang HPD Platinum” МЧЖ бўлиб, ART ENVIRONMENTAL LTD. CONS. ENG. TOUR. TRD. LTD. CO. ташкилотлари билан ҳамкорликда қурилиш-монтаж ишларини бажаришяпти. Лойиҳа доирасида сув омборидан то Термиз шаҳригача 386,1 километр узунликда металл қувурлар ётқизиби борилади. Шунинг 158,2 километри магистрал қувурлар бўлса, ундан 12 та туману шаҳарнинг сув таъминлаш узелларигача 227,9 километр узунликда ички қувурлар ётқизилади. Мутахассисларнинг айтишича,

туманлар марказидаги узеллардан қишлоқлардаги хонадонларга кичик қувурлар тортиш учун Франциянинг CUEZ компанияси вакиллари ҳамкорлик қилиш таклифи билан чиққан. Лойиҳада белгиланган ишлар тўлиқ якунланган, қувурлар орқали истеъмолчиларга секундига 200 минг метр куб тоза сув етказиб берилади.

Лойиҳа доирасида 10 та туманнинг режалаштирилган манзиллида ҳажми 1 минг, 10 минг ва 20 минг метр кубдан иборат сув йиғиш иншоот (резервуар)лари барпо этилади. Бундан ташқари, Шўрчи ва Қумқўрғон туманлари оралиғида сув босимини сундириш иншооти барпо қилинади.

Бунёдкорлар ҳозиргача жами 55,4 километр, жумладан, 41,3 километр узунликда асосий магистрал ҳамда 14,1 километр масофада ички қувурларни ётқизишди. Хусусан, Сарийосиё тумани ҳудудида магистрал ва ички қувурлар ётқизиш ниҳоясига етказилди, Денов тумани ҳудудида бу жараён 90 фоизга адо этилди. Иш сифатиغا алоҳида эътибор бериб, теъзорлик билан меҳнат қилаётган бунёдкорлар белгиланган режа бўйича ил охиригача Шўрчи туманигача бўлган жами 88,1 километр масофада, жумладан, 51 километр магистрал металл қувурларни, 37,1 километр узунликда ички металл сув қувурларини ётқизишни тугаллашади.

Режалаштирилган объектларда иш тўхтамаслиги учун арматура, цемент ва бошқа зарур хомашёлар етарли. Россиянинг “Загор труба заводи” АЖ ҳамда “Тошкент труба заводи” МЧЖ шаклидаги қўша корхонадан 120 километр масофага етадиган, қалинлиги 10 миллиметрли сифатли металл қувурлар

келтирилган. 17,4 минг метр куб бетонлаштириш, 1,63 миллион метр куб ер қазिश ишлари, 1840 тонна арматура пайвандлаш амалга оширилди.

Айни дамда қурувчилар қувурларни тортиш баробарида замонавий сув тақсимлаш ва сигими 200 минг метр куб бўлган сув тозалаш иншоотларини барпо этиш билан банд. Сув омборидан кириб келаётган сув аввало сув тозалаш иншоотида куйилади. Бир неча жараёнда филтрланади, хлорланади, тиндирилади, қум ва чўкиндилардан тозаланади. Сўнг магистрал қувурларга тақсимланади. Шунинг алоҳида эътирофи этиш кераки, Марказий Осиёда энг баланд жойда жойлашган “Тўпаланг” сув омборидан сув тепаликдан тушиб келгани учун уни ҳайдашга ҳеч қандай воситалар талаб этилмайди. Сув табиий босим оқибадида барча ҳудудга тенг етиб боради. Сув тозалаш ва тақсимлаш иншоотларида бугунгача 10,4 минг метр куб ҳажмда бетонлаштириш амалга оширилган. Тупроқ ишлари деярли ниҳоясига етказилди. 910 тонна арматура пайвандланди. Шунингдек, Сарийосиё тумани ҳудудида 2 та, бировининг сигими 1 минг метр куб, иккинчисиники 10 минг метр кубли резервуар қуриб Денов тумани ҳудудида сигими 20 минг метр кубли сув сақлаш ҳавзасини барпо этиш ишлари қизгин.

– Иш кўлами жуда катта. Айниқса, магистрал сув қувурларини йўл кесимлари, кўприклар, каналлар, айрим бинолар остидан ўтказиш машаққатли кечаяпти, – дейди лойиҳа ишлаб чиқариш бўлими етакчи муҳандиси Хусен Шарипов. – Магистрал йўлларда юк ва йўловчи автомобиллар қат-

новиға халақит бермаслик мақсадида баъзида тунда ҳам ишлашга тўғри келаяпти.

Қурувчилар сув қувурларини тортишда сифатга алоҳида эътибор қаратиб харажатларни кўпайтирмаслик choralarини ҳам излашяпти. Масалан, йўл кесимлари, кўприклар, канал ва бошқа суғориш тармоқлари, коммуникация объектлари остидан ўтказилаётган металл қувурлар устидан техника, айниқса юк машиналари ўтганда қувурларга қачонлардир зиён етиши мумкин. Шунинг учун қурувчилар узоқни ўйлаб қувурларнинг йўллар, кўприклар остидан ўтказилаётганларини чдамлилигини ошириш мақсадида устига қоплама (кожух) қувур кийдиришяпти. Уларни металлдан ўзлари ясамоқда. Агар қувур устига кийдирилганида қоплама қувур заводал тайёрланиб, вагонга ортисла нари борса бир вагонга 4 таси жойлашади. Темир йўл харажати жуда қиммат. Шунинг учун бир вагонга 65 тоннагача қоплама труба ясаладиган металл лист келтирилиб, МЧЖнинг валцовка цехида 25 нафар пайвандловчи усталар қопламали қувур тайёрламоқда. Бу эса харажатларни камайтирапти. Лойиҳани амалга оширишда пудратчи ташкилотларнинг 300 та турли русумдаги техника ва механизмлари сафарбар қилинган. 700 нафар пайвандловчи, бетончи, ҳайдовчи, инженер-техник ходимнинг ҳар бири иш сифати учун қурашмоқда. Хусусан, оғир юк крани бошқарувчиси Исрол Мамаражабов ҳамда Пўлат Қалқонор, Камол Муҳаммадиев, Бобур Қурбонов бошлиқ бетончилар ва пайвандловчилар бригадалари аъзолари бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Ҳар бир объектада ишчилар овқатланиши, дам олиши, ювиниши учун барча шароитлар муҳайё. Маошдан ташқари мукофотлар билан рағбатлантирилаётган ишчилар йил охиригача белгиланган режага қўшимча яна 20 километр узунликда сув қувурларини ётқизишни ният қилган ҳолда ҳамжихатликда меҳнат қилмоқдалар.

Хулоса шуки, ер юзида “Тўпаланг” дарёси бунёд бўлганидан бери қанчадан – қанча сувлар оқиб, Амударёга бориб куйилди. Етмиш йилдан ортқ хужумронлик қилган тузумнинг “халқпарвар” раҳбарлари ҳам дарёнинг зилол сувидан элни баҳраманд қилиш ҳақида заррача қайғуришмади. Фақатгина мустақиллик даврига келиб, Президентимиз ташаббуси билан бошланган лойиҳа якунланган, “Тўпаланг” дарёсининг зилол суви минглаб аҳоли хонадонига кириб боради ҳамда айниқса воҳанин жанубий минтақасида яшовчи одамларнинг тоза ичимлик суви билан баҳраманд бўлишдек азалий орзуси рўёбга чиқади.

Ўсмонали НОРМАТОВ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Улар ҳаммиша СЕРТАК

Чуст тумани Тинчлик маҳалласида туғилган Шаҳобиддин меҳнаткаш, тиришқоқ йигит бўлиб вояга етди. Она ватанга бўлган муҳаббат, ватанни кўз қорчиғидай асраш болалигидан қалбига муҳланди. У мактабни битиргач, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирди.



Билим юртини тамомлаб, ватанни қўриқлашдек буюк хизматга киришди. Хизмат давомида юклатилган вазифаларни аъло даражада ўтаб, лавозимлари ҳам ошиб бораверди.

У ёшлар билан бўладиган учрашувларда уларга мотивациалар ҳам бериб келмоқда.

– Ҳамма болалар хоҳлайдики, келажакда ҳарбий бўлишни, лекин у ердаги ҳаётни билмайди. Ҳарбийлар ҳаёти қийинроқ. Улар қаттиқ тартибга риоя қилади, эрталаб 4 ёки 5:00 ларда туриб, югуриб, бадан тарбия қилади. Эртадан кечгача машқлар бўлиши мумкин. Ҳарбийлар ҳаёти мана шу тарзда ўтади. Бундай қийинчиликлардан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳарбий ҳисобланади. Ҳақиқий ҳарбий ўз юртининг ватанпарвари бўлиши керак. Инсон шу касбни танладими, у учун ватан олдидаги қарзи биринчи ўринда туриши керак. Бу жўмардлик аввало қонда бўлиши керак. Зеро, қонда ватанга муҳаббат жўш уриб турган инсон, она юртидан жонини аямайди. Бугунги кунда ёшларимизда ёт гоғларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, она юрт тақдирини учун масъулият

Отабек ҚОБИЛОВ,
 Чуст тумани Тинчлик маҳалласи ёшлар етакчиси.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ЯНГИ КЎПРИК

барпо этилмоқда

Кейинги йилларда юртимиз бўйлаб кўплаб йўллар, кўприклар барпо этилмоқдаки, бундан барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Кенг, раvon йўллар, қўриқлар албатта, халқимизнинг узоғини яқин қилиши билан бирга шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Яқинда Жиззах шаҳридаги “Хайробод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янгитдан замонавий кўприк қурилиш ишларининг бошлаб юборилиши ҳам шулар жумласидандир. Шаҳардаги темир йўл устидан ўтадиган йўл ўтказгичнинг лойиҳа қиймати қарийб 150 миллион сўм бўлиб, ушбу объект қурилиши “Қамчиқавтойул” ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг малакали мутахассислари томонидан амалга оширилаяпти.

– Қисқа вақтда уч ярим миллиард сўмлик қурилиш ишларини бажардик, – дейди корхона иш юритувчиси Султон Содиқов. – Бунинг учун ташкилотимиз томонидан 20 га яқин махсус техникалар ва юздан ортқ ишчилар жалб қилинган. Айни кунларда асосий ишлардан ерга қозик қоқиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Ун икки метр баландлиқдаги ушбу замонавий кўприкнинг узунлиги 120, эни 24 метр бўлиб, кейинги йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Ориф ЖУМАНОВ

Олтинсимон қорағатнинг

3 ТА ЯНГИ НАВИ ЯРАТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари қорағат ўсимлигининг янги навларини яратиш, унинг селекцияси, агротехникасини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Изланишлар натижасида, олтинсимон қорағатнинг янги 3 та нави: “Ўзбекская сладкая”, “Ойдин” ва “Ёдгор” патенти олинди. Бу навлар юқори ҳосилдорлиги, ташишга чидамлилиги, инсон саломатлиги учун зарур бўлган макро ва микроэлементларга бойлиги билан ажралиб туради.

Маълумот учун, Ўзбекистонда биринчи марта Р.Р.Шредер номидаги мевачилик ва резавор мевачилик институтида олимлар Сиюм Ягудина ва Равшан Абдуллаевлар томонидан қорағатнинг янги навларини яратиш устида иш бошланган. Олтинсимон қорағатнинг янги яратилган навларидан “Сиюма” (2009-й.), “Ирода” (2011-й.), Рухона (2014-й.), Олтиной (2016-й.) Дўстлик (2018-й.) Гулноза (2018-й.), Эликсир (2018-й.) навлари Давлат реэстрига барча вилоятларда ўстириш учун районлашти-

рилди. Ушбу янги навларнинг бир йиллик новдаларидан қаламчалар тайёрланиб, улар ҳар хил усулда кўпайтирилиб, истиқболли усули танлаб олинди.

Қорағатни феврал ойининг охири, март ойи бошидан ўсув даври бошланади. У апрелнинг биринчи ўн кунлигида гуллаб бошлайди. Олтинсимон қорағат эрта ҳосил берадиган ўсимлик, у экилгандан сўнг иккинчи йили ҳосилга қиради.

Навидан қатий назар, унинг ҳосили майнинг охири-август ойигача териб олинади. Қорағатнинг таркибида С, В, В9, А, Р, К витаминлари, қанд, органик кислота, хушбўй моддалар мавжуд. У янги узил-

ганда, қуритилган, музлатилган мураббо шаклида ҳамда шарбат ҳолида истеъмол қилинади.

Шунингдек, Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида қулупнайнинг ҳам 3 та янги нави яратилди.

Иссиқхона ҳамда очик майдонда етиштириш учун мўлжалланган, йилнинг 5-6 ойи давомида ҳосил берадиган, хаттоки, ёзининг иссиқ кунларига бардошли “Дилдор” нави, йил давомида очик майдонда бир марта ҳосил берадиган “Қамола” ва “Дилноз” навлари маҳаллий селекция

йўли билан яратилди. Шу билан бирга ушбу навларнинг кўчатларини етиштириш йўлга қўйилмоқда.

Маълумот учун, республикаимиз ҳудудларида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реэстрида қулупнайнинг “Ўзбекистанская”, “Қулвер”, “Ташкентская”, “Муто” (Қримская), “Зенга-Зенгана” навлари мавжуд бўлиб, 2014-йилда “Ўзбекистон гўзали”, 2018-йилда интродукция қилинган қулупнайнинг “Беаутифул”, “Редгоунтлет”, “Қобра”, 2020-йилда “Медвей” навлари Давлат реэстрига киритилди.

Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида қулупнайзорлар кенг миқёсда ташкил этилиб, майдонлари кенгаймоқда. Қулупнай ҳатто Қорақалпоғистон Республикасида ҳам яхши ўсиб, юқори ҳосил бермоқда.

Шунингдек, институт олимлари аҳоли истеъмоли ва фермерларга тавсия қилиш учун шафтоли, олхўри, лимон, олтинсимон қорағат меваларидан сукат тайёрламоқдалар. Бу мамлакатимизнинг ички бозори яна бир янги маҳсулот билан бойишига хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати.

